Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 17 (9253). • 1988 йил 23 январь • Баҳоси 3 тийин.

ШАНБА СОНИ

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

21 январь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский раислигида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Президиум халқ депутатлари Самарқанд область Каттақўрғон район Советининг КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг 1986 йил 25 июлда мазкур масала юзасидан қабул қилган қарори талаблари асосида ўз қарамоғидаги территорияни комплекс социал-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш борасидаги фаолиятини кўриб чиқди. Каттақўрғон район ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Остонов ҳисобот берди.

Шу нарса қайд этиб ўтилдики, район Совети, унинг ижроия комитети партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларига амал қилиб, бу соҳада муайян ишларни бажармоқдалар. Совет ташкилотларининг, муассасалар ва хўжаликларнинг ишлаб чиқариш — молиявий ҳамда социал планларини тузишда қатнашмоқда, уларнинг бажарилишини контроль қилмоқда, ердан фойдаланиш, меҳнат ресурсларини оқилона ишлатиш масалалари хусусида юқори идораларга бўйсунувчи корхоналарнинг планларига таклифлар киритмоқда. Райондаги кўпгина корхона ва ташкилотлар хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтказилган, коллектив ва оилавий пудрат оммалашиб бормоқда. Социал соҳани ривожлантиришда баъзи силжишларга эришилди.

Шу билан бирга Президиум район Совети ва унинг ижроия комитети ўз ишини секинлик билан қайта қураётганликларини таъкидлаб ўтди. Кўпчилик қишлоқ Советларида ҳам қарорни бажаришга юзаки ёндашилмоқда.

Райондаги маҳаллий Советлар янги хўжалик механизмини, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формаларини жорий этишга суст раҳбарлик қилмоқдалар. Агросаноат ишлаб чиқаришини интенсивлаш соҳасидаги иш етарлича самара билан олиб борилмаяпти, фонд самарадорлиги пасайиб кетмоқда, маҳсулот сифати яхшиланмаяпти, унинг таннархи қимматлашувига йўл қўйилмоқда. Сабзавот ва мевани қайта ишловчи ҳамда сақловчи корхоналар етишмаяпти. Ноишлаб чиқариш соҳасига ажратилаётган давлат капитал маблағлари ҳажмларини кўпайтириш борасида қарорда бериб қўйилган ҳуқуқлар ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти, қурилиш комплекси устидан депутатлар назорати бўшаштириб юборилган.

Район Советининг ижроия комитети социал-маданий қурилиш вазифаларини амалга оширишда хўжалик органларининг ишини тубдан қайта қуришга эришгани йўқ. Бунинг натижасида районда уй-жой муаммоси ўткир бўлиб турибди, қабул қилинган программа эса пухта ишлаб чиқилмаган, тегишли моддий-техника ва молиявий ресурслар билан амалда мустаҳкамланмаётир. Районда аҳолини сув ва газ билан таъминлаш даражаси паст, энергия таъминотида қийинчиликлар мавжуд. Соғлиқни сақлаш, маданият, коммунал хўжалик, савдо объектлари, мактаблар ва болалар боғчалари етишмаяпти, медицина хизмати ва маиший хизмат тубдан яхшиланиши зарур. Ижроия комитети социал инфраструктурани ривожлантириш, шу мақсадда ташкилотлар ҳамда хўжаликларнинг куч ва маблағларини бирлаштириш юзасидан бериб қўйилган ваколатларидан фойдаланишда суст-

(Давоми 2-бетда).







## ЯНГИ УЙЛАР КОНВЕЙЕРИ

**Тошкент районидаги Собир Раҳимов номли колхознинг 15 оиласи уй тўйларини нишонлади. 1-«Ташкентоблагропромстрой»га қарашли 3-бирлашма районлараро механизациялашган кўчма колоннасининг комплекс бригадалари қулай замонавий коттежлар ҳамда ёрдамчи биноларни аъло сифат билан қуриб битказдилар. Энди улар колхоз марказий ремонт устахоналарини бунёд этишга киришдилар.**

Сўнгги ойларда районда ана шу бўлинманинг қурувчилари барпо этган кўплаб янги бинолар пайдо бўлди. Карл Маркс номли колхоздаги поликлиника, Охунбобоев номли колхоздаги туғруқхона, Ильич номли колхоздаги мактаб ва болалар боғчаси, «Ленинград» совхозидаги экспериментал ем-хашак омбори шулар жумласидандир.

Бултур колонна меҳнатчилари жами 4 миллион 304 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Бу планда белгиланганидан 200 минг сўм кўпдир. Объектларнинг ҳаммаси юқори баҳоларга топширилди. Коллектив пудрати ана шундай натижаларга эришишга кўмаклашди. Районлараро механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бирлашмада биринчи бўлиб коллектив пудратига ўтдилар. Уларнинг тажрибаси барча бўлинмаларда меҳнатнинг илғор усулларини жорий этишга ёрдам беради.

(ЎзТАГ).

## СТАРТ ЧИЗИҒИДА

ПИСКЕНТ районидаги «КПСС XXVI съезди» совхозида техникалар тракторчиларга акт билан бириктиб қўйилган. Тракторчи бу техниканинг ишлатилиши, ремонти учун жавобгар шахс ҳисобланади. Бу тажриба яхши натижа бермоқда. Машина ва механизмлардан фойдаланиш самарадорлиги кескин ортди. Эҳтиёт қисмлар тежамли ишлатилмоқда. Иккинчидан, энг муҳими мавсумдан сўнг ремонтни барвақт тугаллаб, машиналарни шай қилиб қўядилар. Бу йил ҳам шундай бўлди.

Жумладан, совхознинг 2-бўлимида техника ремонти 20 январда ниҳоясига етди. Барча техника ва механизмлар: 14 чопиқ трактори, 14 та сеялка, 8 комплект борона, 3 та чизел, 8 та ҳайдов трактори старт чизиғига келтирилиб кўкламга шай қилиб қўйилди.

А. АБДАКИМОВ.

**● ЧИРЧИҚ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи шу йилнинг 1 январидан хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишлай бошлади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида маҳсулот сифатига алоҳида эътибор берилмоқда. Суратларда: 2-цех бошлиғи А. Карнаухов (чапда) ва унинг ўринбосари В. Лахнов культиваторлар қисмларининг сифатини яхшилаш ҳақида маслаҳатлашмоқдалар (юқорида). Катта мастер Т. Умеров (чапда) давлат қабули вакили Р. Мустафоевга тайёр деталларни топширмоқда (ўртада). Янги йилда тайёрланган дастлабки культиваторлар (пастда).**

А. Гусейнов ва Н. Шарипов фотолари.

### ОИЛА. УНИ МУСТАҲКАМЛАШ КИМЛАРГА БОҒЛИҚ?

(3-бет)

### ЁШЛАР ЁТОҚХОНАЛАРИДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

(4-бет)

### КОИНОТДАГИ ЮЛДУЗЛАРДАН БИРИГА В. ВИСОЦКИЙ НОМИ БЕРИЛГАН

(6-бет)

### ЧИМЁН, БЕЛДИРСОЙ ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАР ТАРАДДУДИДА

(8-бет)

